

Керакли масаланинг жавоби



10:14 / 11.12.2024 1819

Ҳанафий мазҳаби ибодат, муомалот ва бошқа барча соҳаларда Қуръон ва Суннатдаги қоидаларнинг хулосаси экан. Буни қандай тушуниш керак? Масалан, бугунги кунда автомашина, самолёт ва поезддан фойдаланишнинг ҳукмини, акция муомалалари ва бошқа масалаларнинг ҳукмини мана шу қоидаларга солиб ўрганамиз. Лекин Қуръон ва Суннатда айнан машина ёки самолётнинг, акциядорликнинг ҳукми йўқ-ку? Унинг ҳукмини қаердан оламиз? Уларни Қуръон ва Суннат асосида ишлаб чиқилган қоида асосида оламиз. Бизга керакли масаланинг ҳукми ана шу қоидадан келиб чиқади. Хуллас, ҳанафий мазҳаби мана шу машаққатли вазифани бажарди. Сизу биз ўтириб, ўша қоидаларни ишлаб чиқишимизга, бугунги кундаги масалалар бўйича ҳукм излашимизга эҳтиёж қолмади, бунинг ўрнига мана шу мазҳаб «Марҳамат» деб, бу қоидаларни тақдим қилди. Аввалги авлодлар ўз давридаги масалаларни бу қоидаларга қандай

солган бўлса, биз ҳам ейиш-ичишдан тортиб барча масалаларни шу қоидаларга солишимиз мумкин бўлди.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.